

Вилоят ижтимоий-сиёсий рўзномаси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАН ВА ТЕХНИКА ДАВЛАТ КОМИТЕТИ (ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФТДК)НИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ТУҒРИСИДА

Фан техника соҳасида давлат сибатини амалга ошириш, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда республиканинг илмий қуваватидан самарали фойдаланиш, фан ва ишлаб чиқаришнинг ҳамкорлик воситасини шакллантириш, патент-лицензия ва илмий-ахборот фаолиятини такомиллаштириш, халқаро илмий-техникавий ҳамкорлигини ривожлантириш мақсадида ва Ўзбекистон фан-техника жамоатчилигининг тақдирларини эътиборга олиб:

1. Иқтисодий комитети ва унга қарашли илмий ташкилотлар негизда ҳамда улар соҳи ва маблағлари ҳисобига Ўзбекистон Республикасининг ФТДК ташкил қилинсин.

ФТДК ҳузурида республика фан-техника ва патент-лицензия ахбороти маркази (ЎЗФТПА) ташкил қилинсин.

2. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат комитетининг бош вазифалари ва фаолияти йўналишлари қилиб белгилансин:

Фан-техника тарққитининг республика учун устивор йўналишларини белгилаш, фан ва техника раёбатлаштириш воситаларини ишлаб чиқиш асосида фан-техника соҳасидаги давлат сибатини шакллантириш ва амалга ошириш;

катта илмий-техникавий дастурларни ишлаб чиқариш ва амалга ошириш, истиқболли ечимлар ва технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этишни ташкил қилиш юзасидан илмий-тадқиқот ҳамда лойиҳа-конструкторлик ташкилотлари, корхоналар, бирлашмалар фаолиятининг мувофиқлаштирилишини таъминлаш, фаннинг ишлаб чиқариш билан алоқасини мустаҳкамлаш;

фан ва техника соҳаси тармоқлари маҳмуини, фан билан ишлаб чиқаришнинг илгор ҳамкорлик шакллари ташкил этиш ва ривожлантириш, юқори маҳкали илмий кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш;

республиканинг халқаро илмий-техникавий ҳамкорликда қатнашини устивор йўналишлари ва асосий йўналишларини ишлаб чиқиш, чет мамлакатлар, илмий ва ўқув марказлари ҳамда бошқа ташкилотлар билан фан, техника соҳасида ва кадрлар тайёрлашда алоқаларни мувофиқлаштириш ва уларни кенгайтиришга қўмақлаштириш;

фан ва техниканинг устивор йўналишлари бўйича илмий-техникавий лойиҳалар ва дастурларни давлат экспертизасидан ўтказишни ташкил қилиш ва шу ишларни амалга ошириш, фан ва техника ютуқлари жорий этилишини, халқ ҳўжа-лиги тармоқларининг илмий-техникавий даражасини назорат қилиш;

фан ва техника соҳасида мувофиқлаш ҳўқуқлари муҳо-фаза қилинишини, кашфий-лар, иктиролар, саноат намуналари ва товар белгиларидан Ўзбекистон Республикасида самарали фойдаланишни таъ-

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 18 февраль.

МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДУСТЛИГИ ДОИРАСИДА ҲАМКОРЛИК ҚОИДАЛАРИГА РИОЯ ЭТИШ ТУҒРИСИДА

ДЕКЛАРАЦИЯ

Ҳамдустликда қатнашувчи давлатлар,
Мустақил Давлатлар Ҳамдустлигини тузиш туғрисидаги битим ва Ҳамдустлигининг бошқа ҳўжжатлари юзасидан ўз зиммаларига олган мажбуриятларга риоя этмасликларини иситно қилишга азму қарор бериб,
халқлар ва давлатлар ўртасида муҳолифликлар ва зиддиятлар қуяйишига йўл қўймаслиги учун ўз масъулиятларини англаб ҳамда ҳамжиҳатлик ва ишонч муҳитини мустаҳкамлашга қўмақлаштиришга иштилоб,
халқаро ҳўқуқнинг ҳамма эътироф қилган қоидалари ва меъёрларига содиқ эканликларини тасдиқлаб,
қуйидагиларни таъминлашга тантанали ваъда қилдилар:

1. Ҳамдустлик доирасида ўз зиммаларига олган қалқаро мажбуриятларнинг қатъий бажарилишини.

2. Бир-бирининг ички иш-

ларига аралашмаслиги.

3. Ҳўдудий ахликланин ва давлат чегараларининг дахлсизлигини ҳўрмат қилиш.

4. Ишонч ҳўқуқлари ва асосий эркинликлар, шу жумладан майдан миллатлар ҳўқуқлари соҳасидаги ҳалқаро меъёрларга оғишмай риоя этиш.

5. Ҳамдустлик давлатларидаги ижтимоий-сиёсий турмушини оммавий ахборот воситаларида ҳолисона ва вазиинлик билан ёритиш, шунингдек миллатлараро адоватга олиб бориши мумкин бўлган маълумотларга йўл қўймаслиги.

6. Миллатлараро муносабатларда фашизм, ирқчилик, нафрат ва адоват гояларини тарғио қилувчи сиёсий партиялар ва гуруҳлар фаолиятини тақиқлаб қўйиш.

7. Ҳамдустликда қатнашувчи давлатларнинг бош-лиқлари маъкур қоидаларни бузганлик учун масъулият воситасини ишлаб чиқиш, ушбу декларацияни қоидаларни бажарилишига тегишли давлат тузилмалари орқали қўмақлаштириш, шунингдек телевидение бйринчи программасининг мақоми билан боғлиқ масалаларни пухта ишлаб чиқиш мажбуриятини оладилар.

Минск шаҳрида 1992 йил 14 февралда рус тилида битта асл нусхада тузилди. Асл нусха Беларусь Республикаси ҳўкуматининг ҳўжжатхонасида сақланади, Беларусь Республикасининг ҳўкумати ушбу декларацияни имзолаган давлатларга унинг тасдиқланган нусхасини юборади.

Декларацияни Озарбайжон, Арманистон, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Россия, Тожикистон, Туркменистон, Ўзбекистон ва Украина вакиллари имзолашди.

ЎЗБЕКИСТОН ЕВРОПА БАНКИГА АЪЗО БЎЛМОҚДА

Европа таъмирлаш ва тараққийот банкнинг шу банк вице-президенти М. Немет бошчилигидаги катта делегацияси Ўзбекистон Республикасига келди. Меҳмонлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Б. С. Ҳамидов, республика ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бошқарувининг раиси Р. С. Азимов билан музокара-лар олиб бордилар ва мас-лаҳатлашдилар, меҳмонлар Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигида қабул қилинди. Ана шу музокара-лар чоғида Ўзбекистоннинг Европа банк муассислари сафига кириш туғрисидаги масала му-ҳокама қилинди. Банкнинг республикадаги фаолиятининг устивор йўналишлари, хорижий сармояларнинг им-кониятлари, иқтисодий ис-лохотнинг бориши туғрисида фикрлашиб олинди.

Делегацияни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов қабул қилди. Ўзлик ўтган суҳбат чоғида М. Немет сўзларини қўйиб олганликлари учун минаятдорчилик билдирди ва яқин келажикда муваффақиятли ҳамкорлик қилишга умид из-ҳор этди. Банк директори-ри кенгаши собиқ СССР рес-публикалари, ҳозирги муста-қил давлатлар банкимизнинг аъзоси бўлиш ҳўқуқига эга-дирлар, деб ҳисобламоқда, деб уқтирди у. Айни пайтда жуда катта имкониятларга эга бўлган Ўрта Осиё мин-тақасига алоҳида эътибор бе-рилмоқда. Банк вице-прези-денти Ўзбекистоннинг шу

ташкилотга қўшилиши туғри-сидаги масала тез орада ҳал қилинади, деб ишонч бил-дирди. Шундан кейинроқ банк экспертлари Ўзбеки-стон билан ҳамкорлиқнинг стратегия йўлини ишлаб чи-қишга ва бу ҳамкорлиқнинг устивор йўналишларини аниқлашга киришдилар.

М. Немет Европа таъмир-лаш ва тараққийот банкнинг фаолияти туғрисидаги ахборот материаллари тўламини Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовга топшири-ни илтимос қилди.

Бош вазири А. Муталов банк Ўзбекистон билан ҳам-корлик қилиб яқин пайтга олиш мумкин, деб ишон-тирди. Республика бой таби-ат ресурсларига эгадир, унинг иқтисодийоти собиқ Иттифоқ доирасида ҳам хо-маш ётиштиришга йўнали-рилган бўлишига қарамай, иқтисодиётининг барча соҳа-ларини муваффақиятли ри-вожлантириш учун Ўзбеки-стонда ҳамма имкониятлар бор. Хорижий сармоядан фойдаланиш соҳасида даст-лабни қадамлар қўйилмоқда. Бу ишда республиканинг тажрибаси кўп эмас, шу са-бабли Европа таъмирлаш ва тараққийот банкнинг амалий ёрдам беришига умид қи-лимоқда.

Учрашув Ўзбекистон Ре-спубликаси ҳўкуматининг банк муассислари сафига Ўзбекистонни қабул қилиш туғрисидаги расмий му-рожаатини А. Муталов танта-нали имзолаши билан ниҳон-сига етди.

(ЎзА).

МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДУСТЛИГИ ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИНИНГ МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ ИДОРАЛАРИ ТУҒРИСИДА

БИТИМ

Мустақил Давлатлар Ҳам-дустлигига аъзо бўлган давлатлар темир йўл транс-порти маъмуриятлари ва бошқарув идоралари раҳбар-ларининг темир йўл транс-порти мувофиқлаштирувчи идоралари туғрисидаги тақ-дирларни қўриб чиқиб, Мустақил Давлатлар Ҳам-дустлигига аъзо бўлган дав-латларнинг ҳўкумат бош-лиқлари,

Мустақил Давлатлар Ҳам-дустлигига аъзо бўлган давлатларнинг бақарор иқ-тисодий алоқаларини таъ-минлашга ҳамда ягона иқ-тисодий макон доирасида шу алоқаларни мустаҳкамлашга иштилоб, Мустақил Давлат-лар Ҳамдустлигини тузиш туғрисидаги битимнинг 7-моддасига асосланиб, ягона темир йўл тармоғини вуж-удга келтириш ва уни иш-латиш жараёнида ортти-рилган тажрибани ҳисобга олиб,

қуйидагилар ҳақида ке-лишиб олдилар:

1. Давлатлараро даража-

да темир йўл транспортни-нинг ишини мувофиқлашти-риш туғрисида унинг фаоли-яти келтириб олинган қоидаларини ишлаб чиқиш учун те-мир йўл транспорт бўйича кенгаш таъсис этилиши, ке-наш Мустақил Давлатлар Ҳамдустлигига аъзо бўлган давлатлар темир йўл транс-порти маъмуриятларининг ва бошқарув идораларининг бошқиларидан иборат бўл-син.

2. Темир йўл транспорти бўйича кенгаш:

2.1. Бир ой муддатда му-вофиқлаштирувчи транс-порт кенгаши билан бирга-ликда кенгаш ҳақидаги ни-зоми ишлаб чиқиб, уни тасдиқлаш учун тақдим этиш;

2.2. Темир йўлларни иш-латиш фаолиятини мувофиқ-лаштириш. Ҳамдустлик давлатлари ўртасида йўл-ловчи ва юслари ташин-ни уюштиришни тартибга солуви меъёрий ҳўжжат-ларини ишлаб чиқиш учун темир йўл транспорти бўйича

ЧИНОЗДА НЕФТЬ БОРМИ?

Фақат Чиноздагина эмас, балки бутун вилоятда миш-миш: нима дейсизки Чино-зда нефть топилибдимиш, унинг миқдори Қувайтники-дан кўп экан. Ҳамманинг оғзада шу гап.

Биз ҳақиқатини аниқлаш мақсадида Америка — Гру-зия — Ўзбекистон — Қўшма Корхонасига қарашли «Сай-хун» кампанияси президенти Мухсин Одилонга сўх қон-дик.

— Минг марта эшитган-дан бир марта кўрган яқин, — деди у киши. — Эртага Чинозга кетаямиз, вақтин-гиз бўлса, бирга юринг, ўз қўзингиз билан кўрасиз.

Шундай қилиб, «Мух-син» оймамаси бош муҳар-рири Неймат Аминов, «На-родное слово» рўзномаси муҳбири Анатолий Ковалёв, суратчи, операторлар билан Чинозга — нефть минорала-ри ўрнига келган жойга ке-лди. Мухсин ака шу ерда бор гапни айтди:

— Биз Америка, Грузия муваххислари билан ҳам-корликда иш олиб бормоқда-миз. Чиноз заминида нефть борлиги ҳақида америкали-лар фазо йўлдошлари ор-қали аниқладилар. Шу тах-минларга кўра Ўзбекистон нефть газ-геология бошқар-маси нефть қазини минорала-рини ўрнатмоқда.

— Чинозда нефть борли-гига ишончнингиз қанчали?

— Биз Ўзбекистон фар-зандларимиз. Бинобарин ҳо-зирги иқтисодий таъғ ша-роитда унинг қаддини кўта-риш, табиий бойликларини юзага чиқаришга иштиламин, мустақил жумҳуриятимиз-нинг келажига порлоқ бўли-шини истаймиз. Баъзан шу йўлда таваккалчиликка ҳам қўл уришга тўғри келади. Ундан ташқари, америкали-лар ўз маблағларини беҳу-

ноздаги нефть Қувайтники-дан ҳам кўп экан, деган гап-сўзлар юрибди. Бунга сиз нима дейсиз?

— Мен ҳам худонинг од-дий бандасиман, ер остидаги бойликлар миқдорини аниқ-лаш қобилиятим йўқ. Ле-кин америкали шериклари-миз шундай дейишляти. Ка-ни, қазинаверишинчи, би-рор тўхташга келармиш...

Халқимизда кутлуг иш-ларга кўл уришдан олдин кўрбонлиқ қилиш одати бор. Шу одатга кўра «Ўзбеки-стон» колхозида иловчи му-ла Умурзоқ ота тилловатидан сўнг, «Сайхун» кампанияси ният қилиб олиб келган кўй сўйилди, иччилар учун ош дамланди.

Хуллас, «Ўзбекинефтьгаз-геология» (бош директори Ҳайридин Файзиев) аза-матлари енг ишлариб, иш бошладилар. Чиноз замини-да нефть бор ё йўқлигини қазини натижалари, нуталас-си-лар ҳўлослари кўрстади-ди. Ишқилиб, нефть чи-қисин, халқимиз ризқи улув бўлсин!

Маросимда Чиноз район ҳўкимчи У. Умаров, «Ўзе-бекистон» колхозини раиси Э. Жонтелеев, район агро-соя-лат бошқармаси бошлиғи Т. Омаров, Яйлама қишлоқ кенгаши раиси Э. Қўшимов-лар иштирок етдилар.

Э. ҚОСИМОВ.

МУШТАРИЛАР

ИЛТИМОСИГА КўРА

дага сарфлайдиган аной-лардан эмас.

— Кампания нима ишлар билан шуғулланади?

— Кампанияга қарашли қўшма корхона кенг халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқаради, савдо хизматлари кўрстади, тажирот ишлари, ер ости бойликларини қазини чиқариш билан шуғуллана-ди.

— Қазини ишларини аме-риканликларнинг ўзига топ-шириш мумкин эмасми?

— Мумкин бўлмайдиган нарсанинг учун йўқ. Фақат бу масала юқори доиралар-да ҳал қилиниши керак.

— Одамлар орасида Чи-

Мухарририятга мактуб

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»НИ ИЗЛАБ

Мен бу газетанинг ашаддий муҳлиси бўлиб қолдим. Сабаби — унинг саҳифаларида ижтимоий-иқтисодий масала-лар, одамлар тақдирига онд қизқиради мақолалар тез-тез ёритилиб турибди. Бундан ташқари «Тошкент Ҳа-қиқати»да сталинча қатағон-га учраб, ўзоқ Украинада ва-фот этган беғуноҳ отам туғ-рисида ниҳоятда таъсирли мақола берилганлиги ихло-симини янада ошириб юбор-ди. Биз оиламиз аъзолари номида рўзнома муҳарри-риятига чин дилдан миннат-дорчилик билдирмакчим.

Лекин негадир «Тошкент ҳақиқати» рўзнома дўхона-рида қулдузи чироқ ёқиб қи-дирсангиз ҳам топиламайдиган газетга айланибди. Ай-ниқса, унинг шамба сонла-рини топиш ниҳоятда муш-кул экан. Бунини ўз бошимдан кечирганлигим учун айтаян-ман.

«Тошкент ҳақиқати»нинг шу йил 15 февраль сонида Эсон Қосимовнинг «Мен сот-қим эмасман» сарлавхали мақола-си чиққанидан хаба-рини бор эди. Журналист ун-да йигирма йил ҳарбий асир-лик қийноқларини бошдан кечирган қариндошим Обид-жон Исмоиловнинг тақдири туғрисида ҳикоя қилганди.

Шамба кунини эрталаб соат туғқиздан қулдуз сонг 2 гача «Чиймё», «Светлана» мага-зинлари, Дархон, 15-шаҳар шифохонаси атрофлари ҳам-да Тимирязов кўчасидаги ки-носаларни кезиб, лояқал бир

донагина «Тошкент ҳақиқати» топиладими. Таваккал қилиб, Тошкент трактор заводи ёни-даги газет дўконига ҳам бо-риб, қуруқ қайтдим.

Кейин бу рўзнома вилоят-га тегишли, зора Қибрай то-монларда топилиб қолса, де-ган умидда Қибрайдаги авто-бекатга жойлашган дўконга бордим. Дўкончи ҳорғин қи-ёфамни кўриб, ачиди:

— Э, аттағи-а, ҳозиргина охиригини сотувдим. Бу рўзнома бизга атиги беш до-нагина келади. Кейинши би-лан сотилиб кетади. Уни қидириб юрган биргина сиз эмас, кўпчилиги «Тошкент ҳа-қиқати»нинг шамба сонлари-ни топилайдми.

Биз кезиб чиққан барча дўкон сотувчилари: «Тош-кентдан ташқарида чиқарил-ган марказий рўзномалар бо-синиб ётади, афсуски, ўзи-мизнинг рўзномаларини нега-дир жуда кам олиб келина-ди», деб болидишди. Тўғри, ҳо-зир қозғош кам. Лекин нима учун шундай пайтда қўччи-лик ўқинайдиган, дўконлар-да сотилимай қолётган русча газетлар кўпайиб, ўзбек ти-лидаги рўзномалар намай-тириб юборилган?

Хўрматли тахририят, биз-нинг ҳақини эътирозларимиз-га нима жавоб беради?

Хўрмат билан:

Абдулла МУҚИМОВ,
«ЎғИРРОНИНГДРАВ»
лоинда институтини бош мута-хассиси.



ШИФОХОНАЛАРГА ТАРҚАТИШДИ



■ ЯҚИНДА пойтахтимиздаги бир қатор муассасалар Аме-рика Қўшма Штатларидан келган турли олин-оқид маҳсу-лотлари ҳамда табиий асбоб-ускуналарин олган эдилар. Шу ҳафта давомида Япониядан ҳам жумҳуриятимизга бир марта қўланилидиган дориниелар ва бошқа дориниелар келтирилди. Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш Бош Бош-қармаси уларни моддий базаси ноқорроқ касалхоналарга, турурухоналарга тарқатишга қарор қилди. Бундай ёрдамдан пойтахтдаги 17-шифхона, 8-турурухона, 7-болалар касалхо-наси, 21-болалар поликлиникаси баҳраманлад бўлди.

Одамийнинг ёрдамини тарқатишда Қўшма Яқиниқ Жамия-ти халқаро уюшмасининг японияни вакиллари ҳам иштирок етдилар. Суратларда: одамийлик ёрдамини 17-шаҳар касал-хонасида тарқатиш ижаридан лавалар.

Сураткаш Р. АЛЬБЕКОВ.



Октябр ўнқимоби:

ОШКОР БЎЛМАГАН САҲИФАЛАР

(Давоми. Боши рўзноманинг 19-февраль сониди).

Бундай мажлисларда кўпчилик рус ишчиларидан А. Першин ва В. Финкельштейн, ўзбек ишчиларидан Очил Бобонозов ва бошқалар чиқиб сўзлаганлари эсимда. Большевиклар гоёки қай тариха ўзбек ишчилари ўртасида қизиқиш уйғотгани ҳақида «Ишчилар ҳафта-си» — Бош темир йўл устахоналари қуёв цехи ишчиси Олим Раҳимов шундай хотира қолдирган:

«Ишчилар бир неча фиркаларга, яъни большевиклар, меньшевиклар ва эсерларга бўлинган. Ҳам кўрди. Мен дастлабки даврларда бу фиркалар ўртасида қандай фарқ борлигини билмас эдим. Қуёв цехида ишловчи ишчилар ўртасида большевиклар бўлиб, булардан бири бизга большевиклар ишчилар ҳимоячиси эканлигини, улар завод, фабрикалари ишчилар қўлига олиш, пролетариат диктатурасини ўрнатиш учун курашганини далиллар асосида таъкидлаган. Ана шу ишчиларнинг сўзларидан кейин менда ва бошқа ўзбек ишчиларида большевиклар тўғрисидаги таъассур янада ойдинлаша борди. Мен чинакам озоликка эришиш учун большевиклар сафида туриб курашни зарурлигини тушуна бошладим».

1917 йилда большевиклар фиркаси аъзоллигига ўтган ишчи Абдурахим Толибов сўзлари ҳам бу жиҳатдан диққатга сазовор:

«Кўнларнинг бирида ўртоқларимдан «Бу большевиклар деганинглар ким?» — деб сўраганида, улар менга большевиклар ким бўларди, улар ҳам сенга, бизга ўхшаган оддий камбағал, ишчилар, улар фирка тузишган, бу фирка ишчилар манфаатини кўзлаб, ҳокимият тепасидан бойларнинг вакиллари тўғрисидаги курашда, деб таъкидлаган. 23, деб ўйладим мен».

1917 йил июлда Туркистон ўлкаси вилоятлар Советлари ва Тошкент шаҳар социалистик фиркалари ўлка конференцияси Туркистондаги барча ишчи

ва солдат депутатлари Советларига ўлкадаги мусулмон ишчиларининг шаклланиётган ташкилотлари ҳар томонлама ёрдам беришни, руслардан иборат Совет ўзбеклар Совети билан вакиллар алмашлаб турлиш лозимлигини таъкид қилди. Фиркалар ташкилотлари маҳаллий миллатлар ўртасида кенг ташвиқот олиб бориш лозимлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Агар ана шу талаб жойларда амалга оширилганда кенг ҳалқ ўртасида Советлар ҳокимиятининг ижтимоий негизи вужудга келар ва миллионлаб ўзбек деҳқонлари сиёсий курашга тортилар эди. Аммо бу таъкид рус шовинистлари қаршичилиги дуч келди. Тошкент мусулмон ишчи депутатлари Совети раҳбари С. Асфандиёров фикрига диққат қилинг: «Биз келажакда рус ва мусулмонлар ўртасида янгича муносабатлар ўрнатамиз. Туркистон мусулмон ишчилари ҳаракатининг кашшофлари сифатида биз келгусида ҳалқимизни озод ва эркин қилишга чуқур ишонган ҳолда мушкул вазифага қўл урмоқдамиз».

ТОШКЕНТ СОВЕТИДАГИ ШОВИНИЗМ

Аммо мусулмонларнинг ҳамкорлик ҳақидаги ана шундай истакларини Советлардаги муаммоларни кайфияти кучли арбоблар тўғри қабул қилавермади. 1917 йил июлда Тошкент ноҳияси ҳалқ депутатлари Советининг деҳқон депутатлари вакили Кутуборов рус деҳқонларидан иборат деҳқон депутатлари Тошкент Совети билан умумий мақсад йўлида бирлашишни таъкид қилганда унинг фикри кескин қаршиликка учиради. Рус деҳқон депутатлари вакили Михайлов «Мусулмонлар кўпчилиги бўлиб масалаларни ўз фойдаларига ҳал қиладилар» деб бирлашишга қарши чиқди. Тошкент ноҳияси деҳқон депутатлари Советидаги кўпчилик Михайлов фикрига қўшилиб, «Мажбур ҳалқ депутатлари Совети демократик асосда эмас» деган баҳонада мажбур «ташкilotнинг барча қарорлари турб ер ва рус деҳқонлари учун мажбурий эмас» деган

қарор чиқаради («Туркестанский курьер» № 152, 1917 й. 11 июль).

Руслардан иборат Тошкент ноҳияси деҳқон депутатлари Совети ўзбек деҳқонлари Советига ана шундай мустамлакачилик нуқтаи назардан ёндашганига қўлмай, балки ҳоким миллат вакиллари сифатида ўзбек Советининг қарорини ўзбеклар ҳам бажармасини қабилида иш қилди.

САВОДИ ЕТАРЛИ ЭМАС

Советлардаги буюк рус шовинизми ёз ойда Жиззахда бўлиб ўтган сайловларда ҳам ўз аксини топди. Ишчи ва солдат депутатлари Совети, ижроия қўмитаси, озиқ-овқат қўмитаси, шаҳар думаси аъзоларида иборат қўшма мажлис сайлов натижаларини кўриб чиқиб, ноҳия коммисари лавозимига Жиззах қўзғолоғини бостиришда қатнашган полковник И. Ережницкий номзодини тасдиқлаган ҳолда кўпчилик овоз билан ноҳия коммисари ердამчи лавозимига қўрсатилган кирғиз эиелиси ўртабой Қўзбоқоров номзодини қўйидагича рад қилади.

«Ноҳия коммисари ердამчи лавозими масъул бўлгани учун ҳамда бунга сайланган фуқаро Қўзбоқоров бошқарув ишида аввалдан таърибсиз бўлмагани ва ҳамда етарли даражада саводи бўлмагани учун уни бу муҳим лавозимга лойиқ кўрмадим». Худди шу ҳужжатда озиқликнинг фикри шундай ифода қилинган: «Озиқлик — 5 овоз билан эса қўйидаги резолюция рад қилинди: Қўзбоқоров номзоди маъбул деб топилсин, чунки унинг маъмулот даражаси етарли (шаҳар билим юртини битирган)». (ЎзССР МДА, 1—18 фонд, 1-руйхат, 3981-иш, 14—17-варақ). Шуниси қизиқки, рус буржуазияси, амалдорлари, эиелчилари, ишчи ва солдатлар депутатлари Советининг маҳаллий миллат вакилига мустамлакача ҳақоратомуз муносабати ва фикрига «Шўрон ислом» ташкилоти зарба бермаган, аксинча уларнинг иборасини юмшатиб, қарорларини маъмуллаган. «Шўрон ислом» ташкилоти ўзининг 1917 йил 28 июлдаги йилгилигида шундай қарорга келинган:

«Полковник Ережницкийни ноҳия коммисари лавозимига сайланганини йилгилиги маънасида жуда муносоиб деб маъқуллайдим. Фуқаро Қўзбоқоровга келсак, йилгилиги муҳомадан сўнг шундай қарорга келди: ҳозирги оғир вазиятда Қўзбоқоров ешлгани ва ноҳия бошқаруви ишларидаги таърибсизлиги туғайли бундай масъул вазифани етгаллашга лойиқ». (Ушай ҳужжат, 14-варақ). Шундай қилиб, «Шўрон ислом» Қўзбоқоров ўрнига титилар маслаҳатчи Гийлицкийни, гарчанд у оз овоз олганга қарамай, тайинлашга розилик билдириди, собиқ офицер, амалдорлардан Афанасев, Козичкий, Багрий-Каминскийларни участка коммисарлари лавозимларига тасдиқлайди. (Ушай ҳужжат, 18-варақ).

Бу факт «Шўрон ислом» ташкилотида ҳам бошқа сиёсий фиркаларникидек бирдмлик йўлигини, турли оқим ва гуруҳлар кураши давом этганини кўрсатади. Бу кураш охирида қабилда ташкилотдан «Уламо» гуруҳининг акрибли чиқиши билан ақунланган эди.

Жиззахдаги сайловлар Маҳаллий Советларда ҳам ички кураш кескинлашганини кўрсатди (Қўзбоқоров номзодини ёллаган озиқлик ва шовинистлик кўпчилик мисолида). Бу воқеа Советлар ўлка конференциясининг мусулмонлар билан ақиллашув ва ҳамкорлик ҳақидаги қарорини шовинистлар инкор этганини ҳам амалда намойиш қилди. 1917 йил июлдаги ҳалқ деҳқон депутатлари Совети курултойи Тошкент ноҳияси рус деҳқонлари Совети билан кескин тўқнашув ҳам рус деҳқонларининг раҳбар, ҳоким мавнега даъво қилишлари натижасида келиб чиқди. (Қаранг: Резцов Л., «Октябрь в Туркестане», Тошкент, 1927, 51-бет).

ПЕРШИН БИЛАН ОЛИШАН ХҲЖАЕВ

Ана шундай тўқнашув бўшаб қолган Туркистон қўмитаси раиси лавозимига қўрсатилган мусулмон курашувчида ҳам ўз аксини топди. Туркистон социал-демократлари вакиллари «Шўрон ислом» ва социал-революционерлар (сўл ва ўнг эсерлар) таъкидлаган номзод журналист Вадим Чайкинга қарши чиқди. Чайкин чорлар даврида ўзбек деҳқонларининг манфаатини «Туркестанский голос», «Садон Туркистон» ва «Туркестанский край» рўномаларида ҳимоя қилиб, рус шовинистларини кескин таъкидлаган мақолалари билан ўзбек эиелчилари ўртасида оғури қозонган киши эди. Чайкин номзодини Туркистон мусулмон аҳолиси номидан Умурхония мусулмонлар Совети Марказий Қўмитасининг аъзоси Убайдулла Асадуллаҳуяев екурсади. Вақтли ҳукумат номидан князь Львов 8 июлда унинг номзодини тасдиқлади. Аммо Туркистон большевиклари ва меньшевиклари номидан Бутуриссия Советлари 1-сезидаги депутат бўлиб сайланган мен-

шевик А. Першин (кейинчалик большевик, Туркистон АССР озиқ-овқат халқ коммисари, 1919 йилда 14 Туркистон коммисарлари қатори отиб ўлдирилган. — Х. С.) унинг номзодида тиш-тириги билан қарши чиқди. У Тошкент Советига йўллаган хатига бунинг сабабини шундай изохлайди:

Чайкин номзодини Петроградда Хўжаев раҳбарлигидаги Мусулмон қўмитаси кўрсатди. Биз Хўжаевдан қандай асосда, фақат мусулмонлар Туркистон ўлка ишчи ва солдат депутатлари Совети вакиллари билан кенашмай, бундай иш қилганликларини сўраганимизда, биз Хўжаевдан шундай жавоб эшитдик: «Советлар фикри биз учун мажбурий эмас».

Убайдулла Асадуллаҳуяев бу билан Туркистон Советлариди мустамлакачи унсурлар фаолиятини кўрсатган. Шунда Першин ундан сўраган: «Сиз ишчи ва солдат депутатлари Совети ва ўлка Совети билан хисоблашасизми?» Мустамлакачи унсурлар ҳоким бўлган ўлка Советлари фаолияти Убайдулла Асадуллаҳуяевдек уста адвокат жуда кўп фактлар бергани аниқ эди. Туркистон ўлка Совети аъзоси, ишчи ва солдат депутатлари Тошкент Совети аъзоси Собиржон Юсупов билан Туркистон ўлка Совети раиси М. Фитерман ўртасидаги тўқнашувнинг ўзи ҳам кучли бир далил эди. Фитерман буюк рус шовинисти сифатида бухоролик ишчи-солдат Юсуповдан ташвиқот ишларини тўхтатишни, «мусулмонлар сиедсан четда юриши лозимлигини» уқитган. Аммо большевик Юсупов бун келмай мусулмонларнинг сиедсат, бобода руслардан сира кам ери йўқлигини айтиб, уни мулазм қилган.

Биз, деб ёзди А. Я. Першин, — курултойда Чайкинни мансабсиз сифатида фох қилиди. У мусулмонлар билан оғиз-бурун ўлишмоқда, шунинг учун Хўжаев уни ҳар жойда ақойиб иқилобчи ва ўлка билимдон сифатида тарғиб қилмоқда.

Тошкент Бош темир йўл устахоналари чилангари, Туркистон Советлари делегати меньшевик А. Першин буюк рус шовинисти сифатида қўйидаги фикрларини баён этганидан сира уялмайди, балки фахр билан ёзди:

Хўжаев фикрича, Чайкин Туркистон туб аҳолисини севди ва улар тўғрисида маъмурият қилади. Шундан сўнг Першин Туркистондаги рус меньшевиклари ва большевикларининг ўзбек, тожик, кирғиз, қозоқ, туркман миллатларига чин муносабатини изҳор этади:

Ўртоқлар! Мен сизлардан такор сўрайман. Биз учун Туркистонга ериларини (туб аҳоли. — Х. С.) севдиган ва уларнинг етганини тутадиган одамлар керакми? (Тошкент вилояти Давлат архиви, 10-фонд, 13-руйхат, 10-иш, 2-варақ).

Ўз-ўзидан шундай савол туғилади, ўзбекстон тарихида инқилоб қаҳрамони сифатида

улуғланадиган, Тошкент кўчаларидан бири унинг номига қўйилган, 14 коммисарнинг бири сифатида хотираси эъзозланадиган Александр Икович Першин бу билан нима дедимки эди? Уланинг 90 фох аҳолисини ташкил этган мусулмонлар унинг учун ким эди?

Першин ва унинг маслакдоши Булиньский Чайкин ўрнига кимни тавсия қилиш борасида уялмай қилишди. Большевиклар, меньшевиклар фракциялари қарши бўлганга социал-демократлар ўртасида Туркистон маҳаллий аҳолиси ўртасида оғури бирон зот топилмади. Чайкинга муносоиб бирон бир рақиби топиш қийин бўлди.

Рус шовинистлари шунда бехиёрий Скобелев дивизиясида хизмат қилган ва бу машҳур рус генералининг ёзувчилиги қарши истеъфода чиққан капитан В. П. Навилинни эслаб қилишди. Ўз иштири билан ўн йилча Навий қишлоғида яшаган ва ўзбеклар ўртасида ўзининг инсонпарварлиги ва энг муҳими ўзбек урф-одатларини билиши ва ҳурмат қилиши билан довг қозонган В. П. Навилин уларга жуда қўл келиб қолди. Ўзбеклар «Наҳонгир домла» дея ҳурматлайдиган Навилин рус аҳолиси ўртасида ўзбек тили ва маданияти тарбиботис сифатида ҳам машҳур эди. Ана шунларни ҳисобга олган меньшевик А. Першин жуда раши келган ҳолда шундай ёзган эди:

«Ўртоқлар, биз билмадик, бу ақшимиз ё ёмонми? Ўларнинг ҳал қилинган. Биз Навилиннинг Туркистон қўмитаси раислигига тайинлаш учун жуда кўп меҳнат қилишимизга тўғри келди». Оқибат натижада Вадим Чайкин дўсти Убайдулла Асадуллаҳуяев гайрати туғайли ва эсерлар талабига мувофиқ Россия ишчи ва солдат депутатлари Совети Марказий ижроия қўмитаси аъзоллигига сайланди.

ПЕТРОГРАДАН ЎЗГАН ТОШКЕНТ

Шуни адолат нуқтаи назардан эътирф қилиш лозимки, Туркистон большевиклари бўлиб ўтган воқеалар таҳлили остида Москва, Петроград большевикларидан фарқли улароқ тўғри хулосага келиб, мусулмон пролетариатдан ташқари мусулмон эиелчилари билан ҳам ақши алоқа ўрнатиш лозимлигини тушунилар.

1917 йил 21—27 июнда ўтган РСДРП Туркистон ташкилотлари II курултойи Вақтли ҳукумат сиедсатини қатъий қоралаб, мусулмон меҳнаткашлари ташкилотлари қатори умуммақсад йўлида миллий буржуазия билан ҳам иттифокда туриш лозимлиги ҳақида қарор қабул қилди. Бу ҳол Туркистон большевикларининг бирдан-бир тўғри тактикаси эди, аммо у ана рус шовинистлари ақби билан амалга ошмади, курултой қарорлари жойлардаги мусулмон Советла-

ри томонидан изчил амалга оширила бошланди.

Самарқанддаги мусулмон меҳнаткашлари Советида ўзбек эиелиси Абдуқаюм Ширинбоев раҳбарлигида Д. Устабоев, А. Раҳмонов, С. Ҳасанхўжаев, И. Ориф-овас, Р. Қўрбонов, М. Уринхўжаев каби большевиклар кенг ҳалқ оммаси ўртасида ташвиқот-тарғибот ишларини кучайтирдилар. Уларнинг гайрати туғайли Самарқанд вилояти Советларининг II курултойи рус шовинистлари қаршичилигига қарамай, 1917 йил 29 августда «Советлар ишида мусулмон меҳнаткашлари синфи вакиллари иштироки» зарур эканлиги ҳақида қарор қабул қилди.

1917 йил кўзда ўлкадаги иқтисодий аҳвол жуда оғирлашди кетди. Ноҳ, озиқ-овқат етишмаслиги туғайли очарчилик кучайди. Ана шундай шароитда Советлардаги эсер-меньшевиклар, мусулмон ташкилотлари «Шўрон ислом» ва «Турон» аниқ чора-тадбирлар кўрмидилар. Улар ҳалқ турмушини яхшилашга онд аниқ дастуриламал ишлаб чиқмадилар. Туркистон қўмитаси эса марказдан Туркистонга дои келтирилган масаласини ҳал қилолмадилар. Бундай аҳвол узоқ давом этиши мумкин эмас эди. 1917 йил 12 сентябрда савр-қосаи тулган рус ва мусулмон ақли Александров паркида катта митинг ўтказди. Унда минглаб рус, ўзбек, ишчи-эиелчилари ва солдатлар иштирок этди. Митинг эсерлар, меньшевиклар, анархистлар таъкид қилган резолюцияларини кўриб чиқди.

10 мингдан ортиқ киши иштирок қилган митинг большевикларнинг қўйидаги резолюциясини қўллаб-қувватлади:

1. Капиталистларнинг бутун мол-мулки ва энг зарур озиқ-овқатлари дарҳол мусодара қилинсин.

2. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва тақсимлаш устидан тўла ишчи назорати ўрнатилинсин.

3. Давлат аҳамиятига эга бўлган банслар ва корхоналар национализация қилинсин.

4. Шаҳар билан қишлоқ ўртасида маҳсулот алмашини турли йўлга қўйилсин, токи деҳқонлар завод ва фабрика маҳсулотларини, шаҳар аҳолисини аса галланга ола билсин.

5. Барча ерилар меҳнаткаш деҳқонлар қўлига дарҳол бепул берилсин.

Бутун ҳокимият ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари Советлари қўлига дарҳол ва тўла-тўлиги ўтказилганга ва аниқ тилгаларнинг ҳаммасини амалга ошириш мумкин. Инқилобий демократиянинг барча органлари

вакилларида дарҳол Инқилобий қўмита тузиш лозим. Бу қўмита эртадан бошлаб бутун ҳокимиятни қўлга олиши, барча зарур маҳсулотларини дарҳол ҳисоблаб чиқиши ҳамда уларни тақсимлаш вазифасини ўз зиммасига олиши лозим.

Йилгилиги ишчи ва солдатлар манфаатларини ҳимоя қилмаётган ва буржуазия фиркалари билан келишувчилик сиедсатини юргизаётган ўлка Советининг ҳатти-ҳаракатларига қарши норозлилик билдиради ва ўлка Советини қайта сайлаш ҳамда бунинг учун дарҳол ўлка сиедсини қақришни талаб қилади. Жойларда ҳокимият тузиш масаласига келганда, йилгилиги ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари Совети бутун ҳокимиятни дарҳол тўла-тўлиси ўз қўлига олиш зарур деб ҳисоблайди.

Шуниси диққатга сазоворки, қимматчилик, чайқовчилик ва очарчиликдан энг кўп азоб тортаётган мусулмонларга бу резолюция маъбул эди. «Тошкент ишчи мусулмонлар меҳнаткашлари Союзи» ва мусулмон эиелчилари — жадидлар группаси вакиллари ақиллик билан резолюцияни ёқлаб овоз беришди. Шундан сўнг Муваққат Инқилобий қўмита сайланди. Бу қўмитата ишчи ва солдат депутатлари Тошкент Советининг кечкурун бўладиган мажлисида митинг резолюциялари тўғрисида маъмулот бериш ва резолюцияни ўқиб эшиттириш топширилди. Кечкурун Совет мажлисида ваколатли янги инқилобий қўмита эки Тошкент Совети истаётганидек, ижроия қўмита сайланиши билан Муваққат инқилобий қўмита вазифаси тамом бўлиши лозим эди.

Кечкурун Тошкент Совети жойлашган бино — «Хуррият уйи»да мажлис бўлди. Мажлис Александров истрохат боғида қабул қилинган резолюцияни тасдиқлади.

Шу орада Вақтли ҳукумат Туркистон қўмитаси томонидан зўра-волини содир бўлди. Митингга сайланган Инқилобий қўмитанинг ишчиларида мажлис қилаётган аъзоларидан ҳарбий округи лари Туркистон генерал Чернеев томонидан қамолга олинди. Уларнинг орасида ўзбек ишчиси, 1-Сибирь полки солдати Собиржон Юсупов ҳам бор эди. Бундан хабар толган рус ишчи ва солдатлар газабланиб теини Чернеев ва прокурор Барановскийдан изох талаб қилишди. Чернеевнинг сурбетларида жавофи омманинг газабини кўнубошга келтирди ва у калтаклар зарбаси остида қолди. Қўрқоқ прокурор Валиханов Инқилобий қўмита раисовини билан бирга Собиржон Юсуповни ҳам озад қилишга мажбур бўлди.

Тошкент Советини ҳимоя қилиш учун 1- ва 2-Сибирь полкларини етиб келиб «Хуррият уйи»ни ўраб олишди. Инқилобий қўмита Тошкентда бутун ҳокимиятни ўз қўлига олишга қарор қилди. Туркистон ҳарбий округи қўмондонини Чернеев ўрнига сўл эсер поручик Перфильев, шаҳар комендант подполковник Отаев ўрнига сўл эсер прапорщик Гриневич тайинладди. Ўзбек ишчиси оддий аскар Собиржон Юсупов хизмат қилган 1-Сибирь ўқчи полкининг ўз биродарларига садқотида ва Вақтли ҳукумат вакиллари зўравонлигига қарши жавоби ҳақида полк командирининг генерал-майор Муҳинга юборган билдиргиси эътиборга лойиқдир: Полк командир аскарлар ўз хоҳишлари билан омборини бузиб милитиқ ўқ-дориларини олганликлариини гапирди, улар қамолга олинган ўзбек биродарларини ҳимоя қилишга иштилагиларини баён қилади. Рус шовинисти бўлган бу зобит аскарларини йўлдан қайтармоқчи бўлиб шовинистик гап кўзгайтиди: «Мен, — деб ёзди у, — аскарларни тартибсизликка йўл қўймасликка ундадим. Патронларини ташиб кетмасликка қайтардим. Кирғиз ва сартлар бизга қарши қўзғалас ким полки ва унинг омборларини ҳимоя қилади, дедим. Шунда аскарлар бунга жавобан шундай дедилар: «Унга қулоқ солмагн. Қўрқоқ ўртоқларимизни қамлаб, пулемет ва замбараклар билан кураш олишди. Нима биз уларга патронларсиз қарши борамизми?» (СССР Марказий Давлат ҳарбий-тарих архиви 336-фонд, 1-руйхат, 255-иш, 169-варақ). Бу билдирги Вақтли ҳукумат арбобларининг ўтказилган шовинизми ва мустамлакачилик кайфиятини ўзда яқин қолдирди. Рус аскарилари рус аскарларини мусулмонлар ҳукумин доимо кутуш мумкин деган фикрга қўйинтирмоқчи бўлганликлари кўрсатади.

МУСУЛМОНЛАР ВА ШОВИНИСТЛАР

Рус шовинистлари ҳокимият Тошкент Советига ўтганилигига кескин қарши чиқиб бир маҳалда ўзбек меҳнаткашлари уни қўллаб-қувватладилар. Тошкент Совети Инқилобий қўмитаси вакили журналист Г. Цилинг Эски шаҳарда бориб рўй берган воқеалар ҳақида мусулмонларга ахборот берганида бу, аниқсиз, рўй-рост равшан бўлди. Г. Цилинг бу ҳақида қизиқ хотира қолдирган: «13 сентябрда Шайхонтоҳур масжиди олдига катта митинг қақрилади. Митингга Эски шаҳардан ва яқин қишлоқлардан келган 15 мингдан анд ўзбек қатнашди... Ўзбек ўртоқлар бундай митингларни уюштиришга ва уларда чиниб сўзлашга тез ўрганилдилар. Ўзбеклар, аниқсиз, ёш ўзбек ишчилар орасидан

кўп оташин нотиқлар етишиб чиқди. Қариялар ҳам сўзлашни яқши кўришарди. Шунинг учун ҳам Эски шаҳар ижроия қўмитасининг ўзбеклар қатнашган митинглари, йилгилишлари, мажлислари ҳаминша мароқли бўларди. Тошкентнинг Эски шаҳарини эмас, яқин атрофдаги қишлоқлар ҳам ишчи ва солдат депутатлари Тошкент Совети 13 сентябрда ҳокимиятни қўлга олганлигини эшитдилар... Букчайиб қолган мўйсифдилар ва ёшлар сўзладилар:

— Генерал-губернатор Мишеченонинг қазақларга Соборная кўчасидида ўриндиқларда ўтирган ўзбекларни қамчилаб ҳайдаб юборишга буйруқ берганлиги эсингиздами? Бу ҳоким бир кун Соборная кўчасидан ўтиб кетаётганда ўриндиқда ўтирган бир неча ўзбек ўриндан туриб таъзим қилишга улгурмаган экан. У ўзбеклар ўриндиқда ўтирмасин, дебди!

— Ўзбекнинг кўнақада ўтиришга ҳалли сиемасди — гардандан ушлаб турғизиб юборишарди. — Мадрасадан бошқа мактаб йўл, газет-китоблар йўл — иқозат беришмади. Қонун кўтармас эмиш! Дуч келган ҳар бир кишини, гуноҳсиз камбағалларни тутиб олиб, 1916 йил қўзғолоғини учун қатл этдилар! Қанча-қанча одамлар бадағра қилинди! Замбараклардан отиб, оз мучча қишлоқни ер билан текислаб юборишди!»

— Шаҳар солиқлари оғир. Янги шаҳар кўчаларига бизнинг қисибмиздан топ етирилди, ери-тилдилар. Визлар бўлсак, — қол-қол-қолга ўтирмади. Кўчалар қинғир-қинғир, чанг-тўзон, тўпқилча қолди. Қуз ва қиш пайтлари маҳалладан майит чиқса, мазорага том отиб олиб борамиз!

Феврал тўғрисидаги тўғрисида ҳам, чоризм мустамлакачилик сиедсатини давом эттирган меньшевиклар, эсерлар, кадетлар тўғрисида ҳам ақин-ақин гапирдилар. Резолюцияни ёқлаб жуда кўп кўл қўтарилди, инқилобий қўмитани ва Тошкент Советидаги большевиклар фракциясини қувватладилар ва уларга тўла ишонч билдирдилар. Резолюция Эски шаҳарнинг «ақтибелари» ҳам киритилган эди.

Инқилобий қўмитанинг ўзбек аҳолиси билан алоқа ўрнатгани ва улар мададига тилишини ўлкадаги рус шовинистларини қатъий талабга солди. Рус буржуазияси ва дворянлари «Вақтли инқилобий қўмитанинг маҳаллий аҳоли ўртасидаги иттигасона қишқирлари бу аҳолининг ўтган йилдаги қонли воқеаларини таърирлашга қодир эканини келтириб чиқарувчи хавфни тўғдирди», ден 15 сентябрда савдо-сановат хизматчилари қасбда уюшмалари резолюциясини эълон қилдилар ва Вақтга ҳукуматдан

«тартиб ўрнатиш учун» бош юмисар ва жазо отряди юборишни талаб қилишди. (ЎзССР МДА, Р-1760 фонд, 1-руйхат, 8-иш, 41-варақ).

СОПИНИ ЎЗИДАН ЧИҚАРИВ

Ўлка Совети ва бошқа жойлардаги ташкилотларда ўрнашиб олган рус шовинистлари мусулмон меҳнаткашларини сиёсий курашга жалб этган Тошкент Советидаги эсерлар ва большевикларга қарши мусулмон эиелчилари, шарият пешволари ва бошқаларни оёққа турғизига нитилдилар. Улар зўравонлигини биринчи бўлиб бошлаган Вақтли ҳукумат Туркистон қўмитаси ва унинг маслакдоши ўлка Советини ёқлаб Тошкент Советига бўҳтонлар уюштирдилар. Рус мустамлакачилари ва шовинистлари эимдан иш кўриб 1917 йил 13 сентябрда ўз тактикаларини риекорона ўзгартирдилар. Авваллари мусулмон советлари билан бирлашишни истамаган шовинистлар бирдан ўзбекларга «меҳрибон» бўлиб қилишди. Улар ўлка аскар, ишчи, кирғиз, деҳқон ва умуммусулмон кенгашини йилги уларни бир бутун ўлка Советига бирлаштиришга қайтирдилар. Улар раёсат тарихига шовинист М. И. Баранов, И. Великовин раис қилган ҳолда уларнинг ўринбосари лавозимига ўзбек эиелиси, боабур Убай

